# КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 146 (7286). ● 30 июль, 1980 йил ◆ ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

# ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида дам олаётган ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак билан 28 июль куни Қримда учрашди.

«Улар — ҳар икки қардош партиянинг диққат марказида турган актуал вазифалар тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. КПСС XXVI съезди ва ЧКП XVI съездига тайёргарлик, СССР ва ЧССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш, беш йиллик планларини тугаллаш соҳасидаги ғоявий-сиёсий ва ташкилотчилик иши бу вазифалар орасида энг муҳим ўрин эгаллайди.

Суҳбат давомида ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида — сиёсат, экономика, фан ва маданият соҳасида Совет-Чехословакия ҳамкорлиги эришган даражага юксак баҳо берилди. 1990 йилгача бўлган даврда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш юзасидан ўзаро келишиб олинган программа ҳар икки мамлакат ўртасидаги халқ хўжалик алоқаларини янада ривожлантириш учун яхши замин вужудга келтиради. Атом энергетикаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида яқинда Прагада имзоланган битим ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгаши мамлакатларининг энергетика соҳасидаги ана шу истиқболли йўналишни ривожлантириш борасида зўр ғайрат билан қилаётган муштарак ишларига Совет Иттифоқи билан Чехословакия салмоқли ҳисса қўшадилар.



Учрашув пайти. В. Мусаэльян телефотоси. (ТАСС).

Жаҳон миқёсидаги ҳозирги аҳвол муҳокама қилинган вақтда империалистик кучларнинг социалистик мамлакатларга қарши қилган шовқин-суронли ҳужуми йўққа чиқа бошлади. Сиёсий ва иқтисодий соҳада Совет Иттифоқини яккалаб қўйиш йўлидаги уринишлар бирин-кетин барбод бўлмоқда. Шу билан бирга Ғарбдаги урушқоқ доираларнинг мавжуд кучлар мувозанатини бузиш, қуролланиш пойгасини тезлатиш йўли билан ҳарбий устунликка эришишга умид боғлашга интилаётганлиги халқларнинг осойишталигини жиддий хавф остида қолдиради.

Бундай шароитда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг халқаро кескинликнинг юмшатилишини сақлаб қолиш ва чуқурлаштиришга қаратилган ўзгармас ва изчил йўли алоҳида аҳамият касб этади. Бу йўл Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг яқинда бўлиб ўтган кенгаши қабул этган декларацияда аниқ-равшан баён қилинган. Совет Иттифоқининг Европа хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган кейинги таклифлари ҳам худди шуни назарда тутади.

Учрашув қатнашчилари социал тузуми турлича бўлган давлатлар ўртасида турли даражалардаги мулоқатларни давом эттириш ва ривожлантириш кераклигини таъкидлаб ўтдилар. Бу жиҳатдан Л. И. Брежневнинг Франция Президенти Жискар д'Эстэн ва ГФР канцлери Г. Шмидт билан яқинда олиб борган музокаралари фойдали эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Л. И. Брежнев билан Г. Гусак Совет Иттифоқи ва Чехословакия Апрель революциясининг ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган афғон халқининг ҳаққоний ишини қўллаб-қувватлашга қатъий қарор бергенликларини айтдилар. Улар ўз давлатлари АДР ҳукумати таклиф этган асосда Афғонистон теварагидаги вазиятни сиёсий жиҳатдан ҳал этишга кўмаклашишга тайёр эканликларини уқтириб ўтдилар.

Суҳбат қатнашчилари XXII Олимпиада ўйинларининг боришдан олган таассуратларини айтишиб, Москва Олимпиадаси мароқли, ўртоқларча мусобақа вазиятида ўтаётганлигидан мамнун эканликларини билдирдилар, бу Олимпиадада спорт соҳасида кўпгина жуда катта муваффақиятларга эришилди. Ана шу спорт байрами жаҳон ёшлари бир-бирлари билан алоқа боғлаш ва дўстликка астойдил интилаётганликларини яққол исбот қилади.

Суҳбат самимий ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

# ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети область қишлоқ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) ва ноябрь (1979 йил) Пленумлари қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, пилла етиштиришни кўпайтиришга эришганликларини таъкидлайдилар. Областнинг барча районлари давлатга пилла сотиш планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Область пиллачилари биринчи бор қабул пунктларига 2215 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб беришди. Область бўйича пилла тайёрлаш йиллик ҳажми 119,7 процент, беш йиллик топшириғи эса 121,1 процент қилиб бажарилди. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 75,4 килограммдан, Чиноз районида эса 82,9 килограммдан пилла олинди. Давлатга топширилган хом ашёнинг 87,4 процентидан кўпроғи сортли пилладир.

Пилла етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашда Чиноз, Янгийўл, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ, Бекобод ва Калинин районлари пиллачиларга энг юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Чиноз районидаги Охунбобоев номли, Янгийўл районидаги «Интернационал», Калинин районидаги «Москва», Оржоникидзе районидаги «Правда», Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхозлар, Бекобод районидаги Ойбек номли, Паркент районидаги «Паркент», Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхозлар, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли, Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Ғалаба районидаги Свердлов номли, Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозлари, Коммунистик районидаги У. Юсупов номли, Тошкент районидаги «Тошкент», Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхозлар ва бошқа хўжаликлар давлатга пилла сотиш бўйича олган социалистик мажбуриятларини анча ошириб ада этишди.

Областнинг 4 мингдан кўпроқ пиллачиси ипак қурти парваришида фан ютуқлари ва илғор тажрибадан кенг қўлланиб, ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан ва ундан ҳам кўпроқ «кумуш тола» олишди.

Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхозидан А. Эшназаров, Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозидан Т. Юсупов, Калинин районидаги «Назарбек» совхозидан М. Сафаева, Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозидан М. Зиёвуддинов, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозидан П. Алметова, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозидан Б. Собирова, Бекобод районидаги «Победа» колхозидан З. Худоёрова, Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхозидан О. Аламова, Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан М. Анорбоева, Пискент районидаги Тельман номли колхозидан Ҳ. Бўриева, Ғалаба районидаги Димитров номли колхозидан А. Расулова, Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозидан М. Йўлдошева, Паркент районидаги «Коммуна» совхозидан И. Норова, Тошкент районидаги «Тошкент» совхозидан З. Эгамбердиева, Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхозидан Т. Қосимова ва бошқалар бошлиқ бригадалар ва звенолар коллективлари ҳар қути қурт уруғидан олинган пиллани 102—150 килограмма етказишдилар.

Ипак қуртини саноат асосида парвариш қилишнинг илғор усулларини ташкил қилиш янада ривожланди. Янгийўл районидаги Калинин номли, «Интернационал», Оржоникидзе районидаги «Правда», Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозларининг пиллачилик комплексларида ҳар қути қурт уруғидан 77—112 килограммдан ҳосил олинди.

1980 йилда пилла етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашда эришган юксак кўрсаткичлари учун Чиноз райони республика социалистик мусобақаси ғолибларидан бири деб топилди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг қўчма Қизил байроғи ва Дипломи билан тақдирланди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети область пиллачилари ўртасидаги социалистик мусобақа якунини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети ,область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Янгийўл районига** (район партия комитетининг секретари Л. Ш. Алиқулова, район ижроия комитетининг раиси И. М. Шубладзе, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси С. Шамсиев, район комсомол комитетининг секретари Ғ. Қўчқоров, район бош пиллахонасининг директори Ж. Ёқубов ўртоқлар) берилди. Бу районда пилла тайёрлаш плани 131 процент бажарилиб, ҳар қути қурт уруғидан 78,6 килограммдан пилла олинган ва давлатга ялпи пилланинг 86,9 процентидан юқори сортларда топширилган.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилади:

**Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхозга** (раиси К. Азимов, партия ташкилотининг секретари А. Мирахмедов, касаба союз ташкилотининг раиси А. Қурбонов, комсомол ташкилотининг секретари Р. Болтабоев, пиллачилик агротехниги А. Эшназаров ўртоқлар). Бу колхозда пилла тайёрлаш плани 160,6 процент бажарилиб, ҳар қути қурт уруғидан 105,2 килограммдан пилла олинган ва давлатга ялпи пилланинг 87,6 процентидан юқори сортларда топширилган.

**Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхозга** (директори Х. Б. Алимбетов, партия ташкилотининг секретари Х. Гаффоров, ишчилар комитетининг раиси Т. Бухоров, комсомол комитетининг секретари А. Асрақулов, пиллачилик агрономи Т. Алижонов ўртоқлар). Бу совхозда пилла тайёрлаш плани 143,6 процент бажарилиб, ҳар қути қурт уруғидан 84,4 килограммдан пилла олинган ва давлатга ялпи пилланинг 90,9 процентидан юқори сортларда топширилган.

**Бўстонлиқ районидаги «Правда» газетасининг 50 йиллиги» совхозига** (директори Т. Назаров, партия ташкилотининг секретари Ф. Йўлдошев, ишчилар комитетининг раиси Х. Зикаев, комсомол комитетининг секретари У. Орифжонов, пиллачилик агротехниги Д. Эрматов ўртоқлар). Бу совхозда пилла тайёрлаш плани 129,9 процент бажарилиб, ҳар қути қурт уруғидан 87,4 килограммдан пилла олинган ҳамда давлатга ялпи пилланинг 88 процентидан юқори сортларда топширилган.

Область план бўлимига Янгийўл районига, Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхозга, Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли ва Бўстонлиқ районидаги «Правда» газетасининг 50 йиллиги» совхозларига 1980 йилда пилла ҳосилдорлиги ва сифатини оширишда энг юксак кўрсаткичларга эришган илғор пиллачиларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

# МАВСУМГА ҲАММА НАРСА ТАЙЁР

ҒАЛАБА районининг азамат пахтакорлари самарадорлик ва сифат беш йиллигининг якунловчи йилида 63500 тонна «оқ олтин» етиштириш учун астойдил меҳнат қилаяптилар. Шу кунларда райондаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» пахта тозалаш заводи ҳамда заводга қарашли пахта қабул қилиш пунктларида янги ҳосилни қабул қилишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини 1980 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорига жавобан фидокорона меҳнат қилаётган корхона ишчилари 135 та пахта бунти майдонини, 61 та лентали транспортёр, 61 та «ПЛ» механизмлари ҳамда тарозиларни мавсумга тахт қилиб қўйдилар.

Ўтган йили 49600 тонна пахта қабул қилиб, 19710 тонна тола ва 1718 тонна момиқ ишлаб чиқарган завод ишчилари шу кунларда техника ремонтини жадал олиб боришмоқда. «ДА-8237» маркали пресслаш, «ХДД-М» маркали тола ажратувчи, «ЧХ-3М» маркали тозалаш механизмлари ва «КВ-3М» кондиционери ремонтини 10 августгача тугаллаш мўлжалланган. Техника ремонтида илғор ишчилардан А. Алибоев, Қ. Толипов, И. Хомата, В. Котова, А. Ражабов кабилар ўрнак бўлишяпти.

Корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш асосан қўл меҳнатини механизациялаштириш эвазига бўлаётир. Бу йил қуритиш-тозалаш цехининг печкаси газлаштирилди, тайёрланган арраларни тола ва момиқ ажратиш цехига элтиш механизациялаштирилди. Шунингдек, бу йил заводга қарашли ҳамма қабул пунктларида бригада бўйича қабул қилишга ўтилади.

Корхонада кадрлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилаётир. «Ташзаготхлопкопром» ишлаб чиқариш бирлашмаси Янгийўл, Алимкент пахта тозалаш заводлари қошида ташкил этган курсларда лаборантлар, бухгалтерлар, товаршунослар тайёрланмоқда.

Техника ремонтида, пунктларни мавсумга тахт қилишда заводдаги 24 нафар коммунист бош-қош бўлаяпти. А. Колужский, А. Бойбуев, С. Жуманиёзов, А. Мадаминовлар бош бўлган коллективлар қунлик нормаларини 1,5 ҳисса қилиб бажаряптилар.

КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган завод ишчилари техника ремонтини 10 августга, қабул пунктларини тахт қилишни 1 августга қадар тугатиш учун барча резерв ва имкониятларни сафарбар қилмоқда.

У. НУРПЕЙСОВ.

# ПАРВАРИШ БЎШАШТИРИЛМАЙДИ

Ғўза ҳосилига-ҳосил қўшиш учун курашаётган Бўка районидаги Фрунзе номли колхознинг Қундуз Аширова бошлиқ бригадаси аъзолари пахтазорларда зарбдорларча меҳнат қилаётирлар. Механизатор Малик Ўринбоев сувдан кейин ер етилиши билан ҳар тун ниҳолни авайлаб қатор ораларини сифатли культивация қилаяпти. Ҳасан Машрапов, Сирож Аширов, Юсуфбек Қурбонбеков ва Йўлдош Жумабоевлар сувталаб ғўзаларга пешма-пеш оби-ҳаёт тарамоқдалар. Колхозчилардан Улбулсин Сотволдиева, Рўзибиби Ниёзова сингари меҳнатсеварлар далалардаги бегона ўтларни юлиб ташлаётирлар.

— Биз ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида гектаридан пландаги 33 ўрнига 40 центнердан ҳосил оламиз деб сўз берганмиз, — дейди бригада бошлиги. — Шунинг учун ишни сира бўшаштирмай, ғўза парваришини қизғин давом эттиряпмиз. Ҳар туп ғўзада камида 10—12 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилишни кўзда тутганмиз.

А. ТЎЛАЕВ.

# ЗАРБДОР ФРОНТ

**Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози пахтакорлари ғўза парваришини қизғин давом эттираётирлар. Агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилаётган хўжаликнинг 5-бригадаси далаларида бу йил 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш юзасидан олинган мажбуриятга яраша ҳосил тўпланаяпти. Суратларда: бригада далаларида ғўза культивацияси пайти; илғор механизатор Н. Аширбеков.** А. Абалян фотолари.





# МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

**Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, республика саноат корхоналарининг коллективлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1980 йил январь — июль ойлари планини муддатидан илгари — 29 июлда бажардилар.**

**Кўмир ва газ қазиб чиқариш, электр энергия, пахта териш машиналари, ички ва устки трикотаж, пайпоқлар, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари (сутга айлантирилиб ҳисобланган) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан январь—июль ойлари плани ошириб бажарилиши кутилмоқда.**

* * *

**ОБЛАСТЬ саноат корхоналарининг коллективлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, 29 июлда маҳсулот реализация қилиш ва кўпчилик муҳим буюмлар ишлаб чиқариш бўйича етти ойлик планни бажардилар.**

**Область саноат корхоналарининг коллективлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ой охиригача пландагига қўшимча ўнлаб миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга аҳд қилдилар.** (ЎзТАГ).

**ИЙЛЛИК ПЛАН — 7 НОЯБРГАЧА**

# СЕКУНДЛАР ЙИЛЛАРНИ ТЕЖАМОҚДА

**«Ташкенткабель» заводи коллективи КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди шарафига зарбдор вахтада туриб, беш йилликнинг якунловчи йилида планга қўшимча равишда бир миллион 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилди. Маҳсулотнинг ярмидан кўпига давлат сифат белгиси қўйилди.**

**Шу кунларда корхонада меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик вазияти ҳукм сурмоқда. Кабелларни пўлат билан қопловчи Юрий Сивченко ҳар бир технология операциясини нормада кўзда тутилганидан бир неча секунд тезроқ бажармоқда. Унинг мураккаб машинаси бир минут ҳам тўхтаб қолмайди. «Олтин қўлли уста» номини олган тажрибали ишчи дастлаб, машинани пухта тайёрлайди, унинг барча узелларини текшириб кўради. Шундай қилиб, у смена топшириқларини ҳар куни 20—25 процент ошириб бажаради. Тежаб қолинган дақиқалардан йиллар ҳосил бўлади. Шу кунларда Сивченко 1984 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.**

**Телефон кабеллари ўровчиси М. Литова, прессловчи У. Муҳаммаджонов, ишчи В. Опуневлар анча тигиз график асосида ишламоқдалар. Улар корхонада москваликларнинг ватанпарварлик ташаббусини биринчи бўлиб қўллаб-қувватладилар ва шу йилнинг топшириқларини Улуғ Октябрининг 63 йиллигигача бажаришга қарор қилдилар. Заводнинг 500 га яқин ишчиси улардан ўрнак олди.**

(ЎзТАГ).

*КОМСОМОЛ ХОДИМИ МИНБАРИ*

# БЎШ ВАҚТНИНГ ҚАДРИ

Кейинги йилларда меҳнаткашлар, айниқса ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масаласи социолог ҳамда иқтисодчи олимлар диққат марказида бўлиб қолди. Бутуниттифоқ комсомоли XVIII съездида, бўш вақтни мазмунли ташкил этиш йигит-қизлар меҳнат фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Ҳордиқ вақти инсонда энг аввало маънавий қониқиш ҳосил қилиши, унинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат этиши керак.

Бизда ёшлар ўз бўш вақтларини қандай ўтказишяпти? Область комсомол комитети ҳузуридаги жамоатчилик фикрини ўрганиш илмий-тадқиқот институти яқинда шу саволга жавоб топиш мақсадида Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида қизиқарли тажриба ўтказди. Унда 20 дан зиёд ихтисос эгаси бўлган ёш қишлоқ мутахассисларидан тортиб уй бекаларигача иштирок этдилар. 100 га яқин саволдан иборат анкетага йигит-қизлар махсус тайёргарликсиз, кўнгилларидаги бор гапни ёзиб бердилар. Олинган маълумотлар таҳлили давомида 7 мингдан зиёд фикр-мулоҳаза, истак ва таклифлар умумлаштирилди.

Совхозда яшаб меҳнат қилаётган йигит-қизларнинг катта қисми—29 процентдан кўпроғи бўш вақтини телевизор экрани ёнида ўтказишни маъқул кўради. Шуниси қизиқки, «зангори экран» атрофига асосан онла қурган ёшлар ва ўрта маълумотли йигит-қизлар тўпланишади.

Анкетага жавоб берган ёшларнинг 38 процентдан кўпроғи эса ҳордиқ вақтини газета ва журналларсиз тасаввур қилишмайди. Қишлоқда газетхонлик ва китобхонлик кенг тарқалган дам олиш турларидан бири ҳисобланади. Ҳафтасига бир мартагина газета-журнални қўлга оладиган ёки камдан-кам газета ўқийдиган ёшлар жуда оз — ҳаммаси бўлиб 4,9 процентини ташкил этди.

Қишлоқдаги ҳар беш йигит-қизнинг бири ҳафтада кинога тушади. Лекин ҳар куни кино янгиликлари билан танишишни истовчилар сони у қадар кўп эмас. Сўроққа қатнашганларнинг тўққиз процента эса янги фильмларни тезтез эмас, вақти-вақти билан кўриб туриш фойдали деган фикрни билдирди. Айтиш керакки, бу фикрни билдирганлар асосан олий маълумотга эга бўлган ёшлардир. Кино ва санъатнинг бошқа тур асарларига бўлган талаблар уларда анча юқори.

Хўжаликда йирик театр ва концерт заллари йўқ. Лекин бу қишлоқ ёшларига мириқиб ҳордиқ чиқаришга тўсқинлик қилолмайди. Совхознинг пойтахтга яқин ерда эканлиги ёшларга қулай имкониятлар туғдиради. Тадқиқот давомида кўплаб йигит-қизлар тез-тез Тошкентга келиб, янги спектаклар билан танишишлари, концерт залларида бўлиб туришлари аниқланди.

Бўш вақтни ташкил этишда клублар, маданият уйлари, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига қатнаш охирги ўринни эгаллайди. Ёшларнинг бор-йўғи 0,4 процентигина ўз бўш вақтини дам олишнинг шу турларига бағишлайди. Мазкур кўрсаткич анчагина юқори бўлиши мумкин эди. Лекин совхоз комсомол ташкилоти етарлича иш олиб бормаяпти.


Албатта, ёшлар қандай дам олаётганликлари, бўш вақтларини қандай ташкил этаётганликлари тўғрисида яна кўп гапириш мумкин. Оила ва рўзғор ишлари, дўстлар гурунги, табиат қўйнига чиқиб дам олиш сингари машғулотлар бўш вақтнинг асосий қисмини олади. Ўтказилган тажриба бу соҳада ҳам кўпгина проблемалар мавжудлигини кўрсатиб берди. Ёшларнинг учдан бир қисми ўз бўш вақтини мазмунли ўтказмаяпти.

Совхоз комсомол ташкилоти олдида катта вазифалар турипти. Комсомол аъзоларининг кўп қисми бўш вақтни ташкил этишда комсомол комитети етарлича ташаббус кўрсатмаяпти, деган фикрни билдирди. Комитет фаолиятида ишга ижобий ёндошиш етишмайди. Бу эса ёшларда дам олиш, бўш вақтни ташкил этиш фақат маъмурият, партия ва касаба союз ташкилотларининг вазифаси, деган нотўғри фикр уйғонишига олиб келади. Тўғри, маъмурият, партия ва касаба союз ташкилотлари бир қатор ишларни амалга оширишмоқда. Совхозда кейинги йилларда қурилган стадион, хўжалик тарихи музейи, меҳнаткашларга тез-тез имтиёзли туристик йўлланмалар ажратиб турилиши бунга далил бўла олади. Лекин комсомол комитети ёшлар бўш вақтини ташкил этишда ҳал қилувчи ролни ўйнаши, мустақил, дадил ишлаши лозим.

Қишлоқда дам олишнинг янги формаларини оммалаштириш комсомол олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Кишилар маданий савияси ва билим даражасининг сезиларли даражада ошганлиги колхоз ва совхозларда техник тўгараклар тармоғини кенгайтириш, халқ ижодиётини янада ривожлантириш, илмий-тадқиқотлар олиб бориш имконини очади. Областимиз ёшлари ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотлар ҳам бўш вақтни ташкил этишнинг турли формалари киши меҳнат фаолиятига самарали таъсир қилишини кўрсатиб берди.

Ёшлар бўш вақтини ташкил этишга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш комсомол ишининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Область комсомол комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида ҳам бўш вақтни ташкил этиш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилиниб, ҳаракат программаси белгилаб олинди. Ёшлар дам олишига кўрсатилаётган ғамхўрлик бежиз эмас. Киши қанчалик яхши дам олса, шунчалик яхши ишлаши ҳаммага маълум. Бизнинг асримизда дам олиш масаласи янада муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам унга бўлган эътиборни янада кучайтириш лозим.

**В. ЧЕРНИШЕВ,**
**Тошкент область комсомол комитетининг инструктори.**



# ПОЙТАХТИМИЗ ҚУРИЛИШЛАРИДА

Охунбобоев майдонида 23 қаватли минг ўринли меҳмонхона қад кўтармоқда. Бинокорлар бу муҳташам бинони келгуси йилнинг охиригача ишга туширишга иштиёқида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Суратларда: меҳмонхона қурилишида (чапда), пешқадам бетончилардан А. Ғаниев ва Р. Шо муротовлар (ўнгда). Улар нормасини 150 процентга етказиб бажаришяпти. А. Тўраев фотоси.



# СОВХОЗДА ЗАВОД

Тошкент областидаги «Авангард» совхозида қурилган янги консерва заводи йилига миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Янги корхона тўла механизациялаштирилган. Корхона фақат шу совхоз полизлари, боғлари ва узумзорларининг ҳосилигина эмас, шу билан бирга Оҳанғарон районидаги бошқа хўжаликларнинг ҳосилини ҳам қайта ишлаб беради. Ҳосилни узоққа ташиш зарурати тугайди. Маҳсулот сифати яхши сақланади.

Янги корхона район хўжаликларига меҳнат ресурсларидан айниқса қишда унумли фойдаланишга имкон беради. Корхона дастлабки маҳсулотни шу йилнинг август ойида қайта ишлаш учун қабул қилади. Заводни республика сув хўжалиги қурилиши давлат комитетига қарашли «Ташкентводстрой» тресті қурган.

## ОТАЛИҚ ТАШКИЛОТИНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

«1-Далварзин» совхозидаги мактаб янги ўқув йилига муддатидан бир ярим ой олдин тайёр бўлди. 11-мактабни оталиққа олган «1-Далварзин» совхози ва Далварзин пахта тозалаш заводининг коллективлари юқори синф ўқувчилари биздан биргаликда синфлар, лабораториялар, спорт залини тартибга келтиришди, ўқув инвентарини ремонт қилдилар.

Бекобод районидаги мактаблар оталиққа олган колхозлар, совхозлар, саноат корхоналари коллективлари ёрдамида янги ўқув йилига тайёр қилиб қўйилди.

## ТИҒИЗ ГРАФИК АСОСИДА

ЯНГИЙЎЛ районидаги «Коммунизм» колхозида пахтани сугоришнинг тиғиз графиги ишлаб чиқилди. Хўжалик мутахассислари жадрама ҳавони ҳисобга олиб, қатор оралари 60 ва 90 сантиметр бўлган майдонларни алоҳида сугориш муддатларини белгиладилар.

Тиғиз график ишлаб чиқилгандан сўнг колхозда сув чилар сони кўпайтирилди. Улар кеча-кундуз ишламоқдалар. Айниқса Х. Файзиев, Т. Тошматов, Х. Умаров каби сувчилар яхши меҳнат қилмоқдалар. Улар кундалик нормани 1,5 баравар ошириб бажармоқдалар.

Шу кунларда хўжалик далаларида жадал суръатларда мўл ҳосил тўпланмоқда. Эндилар пахтачилик учун қулай бўлган 1977 йилдагига нисбатан ҳам тез ривожланмоқда. Деҳқонлар 1550 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан яъни планда кўзда тутилганидан 7 центнер кўп пахта етиштиришни мўлжалламоқдалар.

(ЎзТАГ мухбирлари).

# ЯНГИЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

## ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

ТЕХНИКА тараққиётини ихтиро ва рационализаторлик таклифларисиз тасаввур қилиш қийин. Новатор ишчилар ва инженер-техник ходимларининг ижодий таклифлари билан қўл меҳнати механизациялашади, иш шароити яхшиланади, материал ва хом ашёларни тежаш имконияти тугилади.

Худди шунинг учун ҳам корхоналарда техника тараққиётнинг даражаси қўл жиҳатдан ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатининг қандай йўлга қўйилганлигига боғлиқ бўлади. Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида бу борада диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Бирлашмада ишчи ва хизматчилардан иборат юзлаб рационализаторлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшишяпти. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида жами 3172 рационализаторлик таклифи ва етти ихтирога ариза берилди. Шундан 2584 таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилди, олти ихтиро бўйича авторлик гувоҳномалари олинди.

Ҳаётга йўлланма олган таклифлар бирлашмага 2 миллион сўмликдан ортиқ иқтисодий фойда келтирди.

Ўтган тўрт йилда рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида 12,4 миллион киловатт-соат электр энергияси, 18 минг 524 гигакалорий буғ, 3588 тонна ёқилғи, 9938 ишчи куни тежалди. Булардан ташқари, 31 минг тонна аммиак, 13,8 минг тонна минерал ўғит ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Бирлашмада коллектив техникавий ижод тобора кенг ривожланмоқда. Ишлаб чиқаришнинг мураккаблиги шуни тақозо этмоқда. Ўтган йили А. Гофман, А. Семенов ва Н. Саранлардан иборат бригада энг яхши бригада деб топилди. Улар энг кўп ва салмоқли таклифларни жорий этиб, бригадалараро мусобақада ғолиб чиқдилар.

Бирлашмада энергия ресурсларини тежаш, меҳнат сарфини камайтириш, оғир қўл меҳнатини механизациялаш ва автоматлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича энг яхши таклифлар конкурси мунтазам ўтказилмоқда. Бирлашманинг ихтирочилар ва рационализаторлар Совети таклиф ва ихтироларни жорий этиш ҳамда моддий жиҳатдан таъминлаш, ташкилий-оммавий тадбирларни ўтказиш планини ишлаб чиққан.

Техника ижодкорлари ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш таклифлар самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилаяпти. «Рационализация ва ихтиро бўйича энг яхши цех», «Бирлашманинг энг яхши рационализатори» деган номни олиш учун кураш қизғин давом этмоқда. Ўтган йил мусобақасида мастер Е. Шишкова «Энг яхши рационализатор» деган шарафли ном эгаси бўлди.

Катта механик М. Койда, слесарлар бригадири Г. Подорван, цех бошлиғи Б. Рябовлар техника ижодкорлари ўртасидаги шахсий мусобақанинг олдинги сафида боришмоқда.

Бирлашма рационализаторлари 1980 йил учун зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилишган. Бу йил ишлаб чиқаришга жорий этиладиган таклифлардан 400 минг сўмлик иқтисодий фойда олиш кўзда тутилмоқда.

Шу йилнинг ўтган беш ойидагина 230 таклиф жорий этилди, улардан 195,4 минг сўмлик иқтисодий самара келади. Бу кўрсаткичлар бирлашма техника ижодкорларининг йиллик мажбуриятни ошириб адо этиши ва бу билан КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишидан далолат бериб турибди.

**Х. АЛИМОВ.**

# ТАДБИРЛАР АМАЛДА

Уй-жой, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш объектларини қурилишини ва улардан фойдаланишни яхшилаш масаласи Собир Раҳимов район Советининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилди. Шу ҳақда доклад қилган район ижроия комитетининг раиси М. Зуфаров уй-жойлар, коммунал-маданий-маиший объектларнинг қурилиши ва улардан фойдаланишнинг аҳволига тўхталиб, уй қурилиши ва объектлардан фойдаланишдаги жиддий нуқсонларни тилга олди.

Сўзга чиққан депутатлар эса қатор таклиф ва танқидий мулоҳазаларни билдирдилар. Масалан, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш бирлашмаси, дурадгорлик буюмлари заводида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати паст эканлигини, болалар учун сутли маҳсулот ишлаб чиқариш ошхонаси ҳамда саббазот магазинлари қурилиши суръатининг сустлигини танқид қилдилар. Шунингдек, Қорақамиш массивида фойдаланишга топширилган объектларни табиий газ ва электр энергияси билан таъмин этилмаётганлиги тўғрисида тўхталдилар.

Депутатлар 6-қурилиш трестидаги кадрлар қўнимсизлиги тўғрисида ташвишланиб гапирдилар. Қурувчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериш тўғрисида таклифлар киритилди.

Билдирилган ҳамма таклиф ва танқидий мулоҳазаларни амалга ошириш юзасидан район ижроия комитетида тадбирлар ишлаб чиқилди. Улар зудлик билан жойларда амалга оширила бошланди. Орадан ярим ой ўтгач, сессияда қабул қилинган қарор қандай ижро этилаётганлиги район Советининг сессиясида кўрилди. Район Советининг қурилиш ва архитектура бўйича доимий комиссияси тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан жойларда рейдлар ўтказди. Маълум бўлишича, депутатлар томонидан киритилган танқидий мулоҳазалар юзасидан белгиланган тадбирлар «Тошкент» ёғочни қайта ишлаб чиқариш бирлашмасида маълум даражада амалга оширилди. Корхонада сифатли маҳсулот тайёрлаш юзасидан ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқилган.

Паркет ва эшиклар тайёрланадиган цехларда саралаш, кесиш асбобларининг давлат стандарти талаблари асосида чархлайдиган, ромларнинг чокларини бириктиришга хизмат қиладиган узеллар ишга туширилди.

Дурадгорлик буюмлари заводида корхона маъмурияти ва жамоатчилик ташкилотлари томонидан тузилган тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати бирмунча яхшиланган. Барча синаш ва лаборатория анализлари сифатли олиб борилмоқда, пардозлаш ишлари ҳам анча яхши йўлга қўйилди.

Шу билан бир қаторда ҳали олдинда қатор муҳим вазифалар турипти. Бирмунча жараёнларни янги унумдор механизмлар билан алмаштириш зарур.

«Тошкент» ёғочни қайта ишлаш бирлашмаси ва дурадгорлик буюмлари заводининг коллективлари бу ишларни тўла амалга оширганлари тақдирдагина нуқсонсиз ва мукаммал маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишлари мумкин.

Ижроия комитет ишлаб чиққан тадбирларда йўлларни ремонт қилиш, электр энергияси билан узлуксиз таъминлашни яхшилаш каби масалалар кўтарилган эди. Қорақамиш, Олимпия, Чимбой, ТошМИ, ТошДУ, ТошПИ оралиғидаги йўллар тасдиқланган график асосида ремонт қилинмоқда. Қорақамиш — 1/2 массивларидаги уйларни ва кўчаларни ёритишни янада яхшилаш мақсадида кабеллар ётқизиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Район Совети ижроия комитети депутатлар томонидан айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар юзасидан белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишини доимо назорат қилиб турибди.

**О. ОРТИҚХЎЖАЕВ,**
**«Ўзгипрогор» Ўзбекистон Давлат лойиҳа институти директори, Собир Раҳимов район Совети қурилиш ва архитектура бўйича доимий комиссияси раиси.**

ЎЗБЕКИСТОН — НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАГА

# НОВГОРОД ДИЁРИДА

Новгород областидаги Парфино посёлкаси аҳолисига янги квартираларнинг калитлари топширилди. Барча коммунал ва маиший қулайликлари бўлган икки қаватли коттежлар ёнида Ўзбекистон ССР «Госкомводстрой»нинг гидромелиоратор лари барпо этган ўн саккиз квартирали янги уй қад кўтарди. Шу йил Парфино райони чўлқуварлари учун жами салкам 1370 квадрат метр, яъни пландагидан анча кўп уй-жой қуриб берилди, заҳи қочирилган 252 гектар ер экин экиш учун уларга топширилди.

Яқин вақт ичида районда уч минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой барпо этиш, минглаб гектар ботқоқ ерларнинг заҳини қочириш ва 2 минг гектар ерни экинзорга айлантириш кўзда тутилмоқда.

(ЎзТАГ).

*ОЧЕРК*

# КАМОЛОТ

Тўхтавой ака қадрдон саманини ҳовли ўртасидаги яккаю ягона қозиқдан ечар экан, ўзи томон чопқиллаб келаётган катта ўғли Валламига кўзи тушди.

— Ассалому алайкум, отажон.

— Ваалайкум ассалом, ўғлим. Ҳа, мунча шошилмасанг?

— Бугун дарсларимиз тугади. Баҳомизни эшитдик. Шуни сизга айтиш учун югурдим.

— Хўш, баҳолар қалай бўлди, ўғлим?

— Ҳамма фанлардан «4» ва «5». Айниқса, табиат ўқитувчимиз мени мақтади. Пахтани яхши билармишман.

Отанинг меҳри товланиб кетди. У энгашиб ўғлининг бўғдойранг кулча юзларидан чўлп этиб ўпиб, пешонасини силади.

— Ўғлим, улғайсанг ким бўлмоқчисан?

— Мактабни тугатгач, агрономликка ўқийман.

— Албатта, шундай бўлиши керак. Чунки сен деҳқон ўғлисан.

Ота шундай дея Валламини даст кўтариб этагра ўтказади. Кичкина қўлчаларига қамчи ва юганни тутқазар экан:

— Қани, чух дечи, ўғлим, бу ҳам ота касбинг, маҳкам бўл, олдинга тик қара. Ана шунда келажак сенга бўлади. — деди.

...Бу воқеа 1953 йил баҳор чоғларида юз берди. Бу кун Валлами болалигининг сўнгги баҳори бўлди.

Инсон ўзига мос ҳаёт йўлини танлаб олгунча анчагина кўчаларга кириб чиқади. Бундай пайтларда адашиш ҳам, янглишиб бошқа берк кўчаларга кириб қолиш ҳам мумкин. Лекин Валлами адашмади. У ўз ҳаёт йўлини танлашда отаси васиятига амал қилди. Маҳкам бўлди, қийинчиликларга чидади, келажакка умид билан қаради. Отаси бригадирлик қилган ерларда гўза чопди, сув қўйди, пахта терди. Бу орада колхозлар бирлашиб собиқ «Чаноқ», ҳозирги Ойбек номли совхоз вужудга келди.

Ўша пайтларда Валламини бир нарса қайратга солар эди. Негадир у меҳнат қилаётган бригада отаси вафотидан сўнг сурункасига пахта тайёрлаш планини бажаролмай келарди.

Одамлар оғзида бу ернинг бахти Тўхтавой билан кетган деган гап юрар эди. Бу ҳақда онасидан сўраган эди у: «Бўлмаган гап. Ер — меҳнатнинг гадоси. Меҳнат қилганни қуруқ қўймайди. Гапнинг ҳаммаси тадбиркорлик, ишбилармонликда. Отанг ана шундай деҳқон эди», — деб жавоб берди.

Валлами отасининг «ўқи» деган васиятига ҳамиша амал қилди. Совхозда очилган тракторчилар тайёрлаш курсини битириб, бригадада механизаторлик қилди. Негадир бу касб уни қониқтирмади. Балки бу унинг ҳаёт йўлини танлашдаги дастлабки изланишидир. Тез орада Ленинобод шаҳридаги шоферлар тайёрлаш мактабини тугатиб қайтди. Унга бош агрономга берилган машинани ҳайдашни тавсия қилишди.

Бир куни совхоз идораси олдида машинасини у ёқ—бу ёғини артиб турганида директор чақираётганини айтишди.

Директор кабинетида Ваҳоб ака, 3-бўлим бошлиғи Эрназар Дониёровлар ўтиришар экан.

— Кел, тажрибакор агроном, — ҳазиллашди директор саломлашар экан.

— Гап бундай, ука. Сени бир иш учун чақирган эдик. Ўзингга маълум қишлоғинг атрофидаги ерларнинг ҳосилдорлиги жуда пасайиб кетди. Ҳатто планни ҳам бажара олмаяпти. Шу ерга сени бригадир қилиб юбормоқчимиз. Ўзинг қандай фикрдасан? Ваҳоб ака сени тавсия қилаяпти. Эрназар ака бўлса «отаси ишлаган ерлар. Валламининг болалиги ўша ерда ўтган» деб тасдиқлаяпти...

«Отаси ишлаган ерлар...». Бу гап Валламини сўзсиз розилик билдиришга мажбур қилди. «Лекин, — деди у ўзига, — отамдек ишлаб одамларнинг ишончини оқлай олармиканман?».

— Сен, чўчима ука, — деди директор.

Валлами директор кабинетидан чиқар экан, отасининг «Маҳкам бўл ўғлим, олдинга тик қара. Ана шунда келажак сенники бўлади» деган сўзларини эслади. У машинасини топширибоқ далада ишни бошлаб юборди. Ўша кунлари шудгор қилинаётган эди. Трактарчилар билан гаплашди, шудгорни текширди.

Звено пахтакорлари чигит экишни совхозда биринчи бўлиб бошлашди. Лекин устма-уст ёққан ёмғир ишнинг чўзилишига, сўнг айрим ерларнинг қайта экилишига сабабчи бўлди. Ҳар қалай тўлиқ кўчатли гектарлар ҳосил қилинди.

— Дастлабки йили, — деб эслайди ўша даврларни Валлами ака, — анчагина қийинчиликлар бўлди. Лекин энг муҳими одамларни меҳнатга, пахтага қизиктириш эди. Йиллар давомида планнинг бажарилмаслиги, моддий манфаатдорликнинг пастлиги одамларнинг ҳафсаласини бўшаштириб юборганди. Шундай бир вақтда уларга аҳволни тушунтирмай иложимиз йўқ эди. Баъзи кишилар тушунтиришимга, ялинганимга қарамай кетиб ҳам қолишди. Ҳар қалай ўша йили эпладик. Пландаги 23 центнер ўрнига 27 центнердан ҳосил йиғиб олдик. Ҳар бир звено аъзоси йиллик иш ҳақининг сўмига бир сўмдан ошириб даромад олди. Бу дастлабки ҳаля — оталар ерининг бизга қилган саховати эди.

Ўшандан бошлаб Валлами звеносининг таърифи оғизга туша бошлади. Совхозда у билан тенглашадиган коллектив камдан-кам учрар эди. Орадан икки йил ўтгач, у каттагина бригадага раҳбар этиб тайинланди...

— Тор қаторлаб экиш бизнинг ерлар шароитида яхши натижа бермайди, — деди у бир куни совхоз директорига, — ерларимиз зич тупроқли, ер ости суви яқин, тупроқ чуқур культивация талаб қилади. Олтмиш схемасида бу ишни бажариб бўлмайди. Агар руҳсат берсаларингиз чигитни оққўрғонликларнинг кенг қатор усулида экар эдим. Бу — ҳар томонлама қулай усул.

Унга шундай усулда чигит экишга руҳсат беришди. Ҳосилдорлик бир йилнинг ўзидаёқ 8 центнерга кўпайди. Тажриба самарасини кўрсатди.

# „КОНСТРУКТОР" ТОНГИ

Борлиқ узра гўзал садоси янграйди. Пионерлар эрталабки бадантарбия машқларига саф тортишмоқда... Гўзал Чотқол ёнбағирларидаги қуюқ дарахтзорлар орасига жойлашган «Конструктор» пионер лагерида ҳар тонг ана шундай бошланади. Оромгоҳдан қувноқ болаларнинг шодон кулгуси, шўх қийқириқлари ҳамиша баралла эшитилиб туради.

— Бу ерда пахтани сугориш ва ирригация-мелиорация ишларини механизациялаштириш бўйича Давлат конструкторлик бюроси ишчи-хизматчиларининг фарзандлари дам олишади, — дейди лагерь бошлиғи Ҳожимурод Холтоев. — Ҳар мавсумда 1200 нафар ўқувчига хизмат кўрсатамиз.

Бош пионервожатий Е. Муротова доимо болаларнинг қувноқ даврасида бўлади. Чунки у қизиқарли ўйинлар топиб, ўқувчиларни зериктирмасликка ҳаракат қилади. Пионер лагерининг «Конструктор» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Конструкторлик тўгарагининг раҳбари В. Муродов пионерларда яратувчанликка бўлган қизиқишни тобора мустаҳкамлашга ҳаракат қиляпти. Шунингдек, оромгоҳда бичиттикиш, слесарлик ва турли спорт тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатяпти.

Яқинда 12 отрядга бўлинган лагерь пионерлари ўртасида спортнинг футбол, волейбол, сузиш турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Кескин бахсларга айланиб кетган бу мусобақаларда энг яхши кўрсаткичларга 2-отряд аъзолари эришдилар. Улар лагерь маъмурияти томонидан совғалар билан тақдирландилар.

Ёшларда спортга бўлган қизиқиш катта эканлиги сезилиб турибди. Шунинг учун ҳам улар бўш вақтларини сўзиш бассейнларида, стадионларда ва походларда ўтказишяпти. Лагерь футболчиларининг қўшни «Қизил Шарқ» лагеридан келган пионерлар билан бўлган учрашуви ишқибозларнинг қизғин байрамига айланиб кетди. Бу мусобақада мезбонлар ғолиб келдилар.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу оромгоҳда пионер ёзи соз ўтмоқда.

**Н. ЎТЕГЕНОВ,**
**Бўстонлиқ райони.**

*ИНСОН ВА УНИНГ ИШИ*

# ҚЎРИҚНИНГ ОҚ КАРВОНИ

Баҳорда чигит экишнинг қизғин пайтида Ортиқбой Раҳматов ҳам ўз даласига техникани чиқарди. Биз бу далага вақти-вақти билан таъзим бажо қилгани келиб турамиз. У ҳар қандай пахта даласидан ҳеч бир фарқи йўқдек. Фақат деҳқоннинг меҳр тўла, синчков кўзларигина жўякларнинг ўзига ҳослигини, пайкалларнинг чизиқларини, ҳамда ранглар жилосини пайқайди: дала июнда ям-яшил, августда ҳиёл сўлиқираган ва октябрда сарғиш тус олади.

Илк бор менинг нигоҳимда дала кузда, сентябрда очилгандек эди. Эндигина мавсум бошланган, этак боғлаган аёллар чаноқлардаги оппоқ момиқни териб эгат бўйлаб олдинга юришарди. Оналар ва опа-сингиллар билан учрашиш дарҳол урушдан кейинги эркаклик виждонининг синовларини эсга туширди. Ташвиш ва қайғулардан сочларига оқ тушган ҳорғин аёллар бамисоли биз фронтчиларга таъна билан қарагандек, гўё негадир бу оғир синов бунча узоққа чўзилди, деб сўрагандек бўлардилар. Мен дала бўйлаб юрганимда оёқларим чалкашиб кетди. Нима бўлмасин шу ердаги ёши улуғроқ бўлган аёлнинг олдига етиб бордим. У жўякда бир боласи қўлида, бир боласи этадиган тутганди, уларнинг учалови ҳам менга ҳайрат ва ташвиш билан қараб туришарди.

Аёлнинг менга берган саволи, гарчи у оддий ва жуда содда бўлса-да, бир умр эсимда қолди:

— Ака, фронтда эримни кўрмадингизми? Биз уни иккинчи йил кутяпмиз...

Ўша кунлари одамлар умид билан яшардилар. Кимдир онани ва хотинни кутиш ҳуқуқидан маҳрум қила олармиди? Улар баҳорда адир этакларида экин экиб, ҳаётни қўлда бунёд этардилар. Душман билан курашганлар далаларнинг саховатини очишга интилишарди. Бу саховат қанча мўл бўлса, эрлар, оталар ва ўғилларнинг қайтиш куни шунча яқин эди. Тўғри, ҳамма қайтмади, аммо ҳаммани кутишарди. Пардаойнинг эри Салоҳиддин қайтиб келмади. Ўша лейтенант Азимов ҳақида ҳалигача аёл мендан ўз даласида сўраганди.

Бир вақтлар жонсиз ер бўлган бу жойлар Тоштепа деб аталарди. Халқ бежиз атамайди. Бу ер чиндан ҳам тошга тўла тепа эди. Одамлар қўли билан, уларнинг ақли билан дала вужудга келтирилди. Бу дала «оқ олтин» армугон этади.

Дала билан бирга Пардаой ҳам деҳқон сифатида, раҳбар сифатида, таниқли киши, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери сифатида туғилди. Дала кенгайди, Пардаой Азимова билан ёнма-ён бошқа таниқли пахтакорлар, эндиликда бутун Ўзбекистонга машҳур бўлган Жиззах область Жиззах районидаги Навоий номли колхоз кишилари камол топишди. Пардаой ишининг давомчиларидан бири Ортиқбой Раҳматовдир. Ана шу Тоштепада, Жиззах қўрғида мўл ҳосил мириштқорининг шуҳрати туғилди.

Тоштепа этакларидаги далалар — умумий дала, аммо айни пайтда Ортиқбойнинг даласи. Бунда ер ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг кўплаб сирлари бор. У ўз даласини севади, у билан фахрланади. У: «мен ўз даламга қўл теримчиларни қўймайман!» дея олиши мумкин. Ҳатто колхоз раиси ёки район раҳбари мажбур этса ҳам қўлда терувчиларни киритмайди. У қаттиққўл, ишчан, тажрибали одам.

Мен уни мавсум арафасида, таъбир жоиз бўлса, айни тантанавор дамларда кўрганимда қаршимда намоён бўлган манзарадан бирмунча беҳаловат бўлгандим: Ортиқбой пахта териш машинаси ёнида турар ва ўзининг ёрдамчи механизаторлари билан суҳбатлашарди. Ишчанлик билан, шошилмай гаплашарди. Мен наҳотки бирор ишнинг чаласини битириш, бирор нарсани қидириш керак бўлмаса, ахир ҳамиша мавсум арафасида нимадир етишмайди, нимадир қолиб кетади, нималардир эсдан чиқаришади-ку, деб ўйладим. Менинг хотиржамлик ҳақида берган саволимга бригадир шундай жавоб қилди:

— Ҳаммаси жойида...

Улар ҳозир мавсумга тайёргарлик кўриш ҳақида эмас, балки теримни қайси участкадан бошлаш, қай соатда ва қайси машинани эгатга олиб кириш ҳақида гаплашишарди.

Далачиликда иш аниқлиги доимо нисбатан белгиланади. Кўпинча иш меъёрини об-ҳаво аниқлайди. Энг яхши график ҳам баъзан бузилади: Ортиқбой Раҳматовда эса бузилиш йўқ. Унинг графиги бир неча вариантларда бўлади, уларнинг ҳар бири рўй берган шароитга қараб, кунигача ва ҳатто соатигача аниқ бажарилиши мумкин. Бажарилиш имконияти аввалдан амалга оширилган ҳар тарафлама ишир-чикиригача пухта ўйланган тараддуд билан мустаҳкамланади. Кечга яқин машиналар қулай жойни эгаллашади ва эртага белгиланган соатда пахта теримини бошлашади. «Зангори кема»лар учун йўлни ҳайдовчиларнинг ўзлари очишади. Уларнинг ўзи машина қайтадиган жойларни тайёрлайдилар. Ахир улар машинани ўзлари бурадилар-да, шунинг учун бу ишни қандай қилиш керак бўлса шундай бажарадилар, бунда ҳеч кимни койиб ҳам бўлмайди.

Бригадада бир неча йилдан буён танлаб териш қўлланилади. Ҳамма участкалар бир вақтда пишиб етилмайди, баъзилари эрта, баъзилари кеч етилади. Йиғим-теримнинг умумий фронти авж олиб кетгунча Ортиқбой машиналарнинг бир қисмини пахтаси етилган жойга ташлайди.

Ортиқбой Раҳматовнинг машина парки ҳамиша ишлаб туради. У техника билан боғлиқ бўлган дала ишларининг барча турларини бажарадиган ажойиб механизаторларни тарбиялади. Ортиқбой ўз даласида этак боғлаган одамларнинг бўлмаслигига эришяпти. Шундай бўляпти ҳам. Мавсум пайтида биз этак боғлаган кишиларни кўрмадик. Икки юз гектарлик участкада машиналар «ҳужум қилишарди».

Ортиқбой ўзининг асосий қуроли бўлган машинага бирдан келмади. У ўз деҳқонлик ҳаётини уруш даврида деярли болалик пайтида далачиликда, ҳисобчи қилиб таъминлашганларидаёқ бошлаганди. Деҳқончилик сирларини катталарнинг меҳнатига баҳо бериб ўрганди. Мамлакат учун жуда оғир бўлган йилларда унда ўз даласида экин ўстириш эҳтиёжи пайдо бўлди. Ишлар бригадасини тузди ва отасидан оқ йўл тилади.

— Бу иш осон эмас, — деди Раҳмат ота. — Пахта далада ўсади, далани эса инсон яратади. Далани яратиш учун кучларингиз етадими?

— Етади, — деб ишонч билдирди Ортиқбой.

— Унда йўлинг оқ бўлсин!

Оқ йўл! Ортиқбойнинг йўли шундай бўлди. Бироқ бу йўли осон бўлди, деган маънони билдирмайди. Ишлар бригадаси 40 гектар ерни қўлга олди. Уларнинг ери шоирона номга — Лайлак уя деган номга эга эди. Ўз уйини энг баланд жойга — дарахт тепасига ёки минора томига қурадиган оқ қанотли қушларни лайлак дейишади... Ерни ҳайдашди, экин экишди. Планни гектаридан 19 центнер деб белгилашди. Ўша вақт учун бу юқори эди.

Отаси айтди:

— Одамлар лайлакнинг учиб келишини кутишади, чунки у ўзи билан баҳорни олиб келади. Ҳамма ўз уясига учиб келаётган оқ қушни кўради. Бу қуш қачон учиб кетишини ҳеч ким билмайди. Бу кузда бўлади. Сенга нима қолади, бўш уямни?

Ота ўғлидан хавотирда эди: ёш қўллар унча моҳир, унча кучли эмасди.

— Мен оқ карвон келтираман, — ўғли отасига таъдир қилиб жавоб берди.

Оқ карвонни келтирди ҳам. Ёшлар бригадаси пахта пунктига гектаридан 25 центнердан ҳосил топширди.

Ортиқбойнинг даласи вужудга келган жойлар шоирона ном билан аталарди. Кейинги баҳорда бригада Қизлартепадан участка олди. Унинг номи учун ер олишгани йўқ. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети гектаридан ўттиз центнердан ҳосил етиштириш учун ёш пахтакорларнинг мусобақасини эълон қилди. Лайлак уя бундай ҳосилни бера олмасди: у жойнинг ери ориқ эди. Ортиқбой Қизлартепани танлади.

— Аталиши чиройли, — иккиланишди бригада аъзолари, — аммо бу номни кузда тарозига қўйиб бўлмайди.

— Яхшиси Лайлак уяга қайта қолмаймизми? У ерда ўзимизнинг йигирма беш центнеримизни ололсак керак чоғи.

Ортиқбой чекинишни билмасди, у мусобақада бригада галабасини хоҳларди ва ўз сўзида турди — янги жойдан дала очишди. Қизлартепа ёш деҳқонларга зафар келтирди. Бригада гектаридан 30 центнердан ҳосил олди. Бу областда энг юксак ҳосил эди. Район комсомол комитети секретари бригадирга тилла соат топширди.

Ҳар йили кузда лайлаклар учиб кетгач бригада ўзининг оқ карвонини — мўл пахта ҳосилини йўлга кузатарди. Куз ҳамиша омадли келарди. Деярли ҳамиша. Баҳорда эса кам қувонтирарди. Умуман қувонтирмасди. Тўсатдан бўлган совуқлар ниҳолларни ҳалок этар, учқур дўл далани тракторда ҳайдалгандек уриб кетарди. Эркаклар жаҳлдан лабини тишлар, аёллар дала олдида йиғлашарди.

Ортиқбой табиат келтирган офатдан далани ҳимоя қилишни ўрганди. Ғўза совуқдан бутунлай нобуд бўлганда қайта экардилар. Қисман нобуд бўлганда қўшимча жойларга экиларди. Эҳтимол, Ортиқбой Раҳматовнинг бригадирлик услуби ўшандаёқ шакллана бошлагандир. Ҳосил табиатнинг тасодифий зарбасидан зарар кўрмаслиги керак, гектарига 140 минг тупдан ниҳол — мажбурий норма, уларнинг ҳаммаси ҳисобда, ҳаммаси эътиборда, у сал камайса ҳосил пасаяверади, ютқазишга йўл қўймаслик керак. Фақат ютиш керак.

Колхоз партия ташкилоти ва правлениеси янги бригадаларнинг бошлиқларига Ортиқбойнинг шогирдларидан танлашади — ер майдонлари кенгаяди, уларни ўзлаштириш керак. Ортиқбойнинг фамилиядоши Толибжон Раҳматов 80 гектар участкани олди ва биринчи йилиёқ яхши ҳосил етиштирди. Иккинчи йили ҳосил колхознинг ўртача кўрсаткичидан ошди, кейинчалик эса рекордлар қўйида бошланди. Иш миқёси, албатта, Ортиқбойникидек эмас, бироқ вазифа бирдек — ҳар бир гектарни серҳосил қилишдан иборат.

Ортиқбойнинг тажрибали, билимдон ёрдамчилари бошқа участкаларга ўтиб, ўз даласини яратишди. Ортиқбойнинг ўзи ҳам бошқа далаларда яратиш ҳақида ўйлаб қолди. У орзу қилишни яхшиси кўрарди: ер фақат экилган нарсани қайтариб бериши эмас, янги чўққилар сари курашишда ҳамкор бўлиши керак.

Ортиқбой Қизлартепани қолдирди ва Тоштепа этакларига, янги ўзлаштирилаётган бригадалар ёнидаги қўриққа ўтди. Бу жой текислаш ва суғориш шоҳобчалари қурилмалари учун қулай эди. Дала Ортиқбойнинг тасаввуридаги шаклни ола бошлади. Далани бригадир ва бирга ишловчи дўстлари серҳосил ва саховатли қилишди. Дастлаб бу дала нисбатан кичик, 40 гектардан иборат бўлди. Ҳосил бригадирни қувонтирди, аммо дала янада юқори ҳосил бериши мумкинлигини барча тушунарди. Кейинги йили ерга ер қўшилди ва дала 150 гектарга ортди. Шу вақтларда ирригаторлар Жиззах чўлига Зарафшон ва Сирдарё сувини улашди. Ортиқбой даланы 300 гектарга кенгайтирди. Ташвиш қўшилди, қийинчилик ҳам кўпайди. Баҳор пахтакорнинг меҳнатини мушкуллаштиради. Гектарларни тўлдиришди, қайта экишди, ҳар сафар ёққан ёмғирдан сўнг пайдо бўладиган қатқалоққа қарши курашишди. Ёз ўртасида ғўза куч тўплади, ёзнинг охирига келиб эса кўсаклар тўлишди. Ташвишлар умидларга алмашди. Кузда машиналар бункерни базўр бўшатарди. Бригада 1540 тонна, гектаридан 51 центнердан пахта топширди.


Ортиқбойнинг даласида ўтган йил ҳам мўл ва саховатли йил бўлди. Раҳматов мавсум бошланиши арафасида гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш ҳақида берган ваъдасини тасдиқлади. Бригада бундай юксак мажбуриятни КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми кунлари зиммага олди ва ўз сўзининг устидан чиқди: гектаридан 52,5 центнердан хом ашё давлатга топширилди. Аммо бригадада эришилган марра — чегара эмас, деб ҳисоблашади.

Ортиқбой Раҳматовнинг эллик — олтмиш центнери — кўплар учун аниқ марра дир. Унинг ўртоқлари, шогирдлари бу маррата яқин келишди.

Раҳматовнинг бой саховатли даласи бор. Унга яна бир бор таъзим қиламиз. Бизнинг эзгу таъзимимиз охиргиси бўлмасин.

**Назир САФАРОВ,**
**Жиззах области.**

(«ПРАВДА», 29 июль).



**Учинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» олиш учун курашаётган Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг Пўлат Тошхўжаев бошлиқ бригадаси пахтакорлари ғўза парваришини юксак агротехника қоидалари асосида олиб боришяпти. Суратларда: бригаданинг моҳир сувчилари Нури Абдураҳмонов ва Марди Алиев; ғўза қатор ораларига ишлов бериш пайти; илғор механизатор Сайдираҳмон Тошев.**

Ҳ. Аввалов фотолари.

## „СИФАТ БЕЛГИСИ“ БЕРИЛДИ

**БЕКОБОД районидаги Ойбек номли совхозининг Абдурашид Ҳошимов бошлиқ бригадасининг 122 гектар пахта майдони асосан қимлоқ ерларга жойлашган. Бригада коллективи беш йилликнинг якунловчи йилида гектаридан 35 центнердан ҳосил олишга аҳд қилган.**

**Пахтакорлар қимлоқ ерларга қўшқатор қилиб чигит экканлар. Далалардаги ғўза бўлиқ, дуркун ривожланиб, ҳосилга безанмоқда.**

**Ғўза парваришида механизаторлар И. Қосимов, У. Ризаевлар, колхозчилар И. Қурбонова, Ҳ. Ҳамроева, Г. Турсуновалар коллективга ўрнак бўлишяпти.**

**Яқинда колхоз сифат комиссияси бригада далаларининг кўздан кечириб, уларга «Сифат белгиси» беришга қарор қилди.**

Ҳ. МИРСОЛИЕВА.

## ЁШ ПАХТАКОРЛАР

Чиноз районидаги Пушкин номли 1-ўрта мактабда ташкил этилган ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасида ўтган йили 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан пахта ҳосили олинди. Бу йилги марра 40 центнер.

— Биз барча майдонда кўчатларнинг бир текис бўлишига эришдик, — дейди бригада етакчиси Ҳурмат Суннатов. — Айни кунларда культивация ва суғориш ишлари обн-тобида қилинмоқда. Ғўзани қондириб суғормоқдамиз. Еппасига кўсакламоқда.

Ёш пахтакорлар — 9-синф ўқувчиларидан Доно Қодирова, Нафиса Юнусова, Муҳаббат Турсунова, Қосим Қодировлар дала ишларини бажаришда намуна бўлмоқдалар.

Чиндан ҳам ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси аъзолари мўл ҳосил етиштириш учун курашни тобора авж олдириб, юксак мажбуриятларига яраша иш қилмоқдалар.

Ш. ШАМШИЕВА.

# ЙЎЛИДАН

1969 йил Валлами Тўхтабоев Коммунистик партия аъзолигига қабул қилинди, меҳнатда қозоналган шуҳрати қанот ёя бошлади. Уни энди нафақат совхозда, райондагина эмас, балки областда ҳам ҳурмат билан тилга олиша бошлашди.

Дастлабки йилларданоқ Валлами Тўхтабоев бригадаси аъзолари ҳосилдорликни муттасил ошириб боришди.

— Пахтачиликда ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омилларидан бири — алмашиб экишдир. Мен мана шу бригадага бошлиқ этиб тайинланган йилларда ҳосилдорлик унчалик ошавермади. Бунинг сабаби ерларнинг «чарчаганлиги» эди. Ахир қандай қилиб «чарчамасин». Бу ерларга мен эсимни таниганимдан бери пахта экилади. Ўша йилларда совхоз маъмурияти билан келишган ҳолда ерларимизни алмашлаб экишнинг уч далали схемасини тузиб чиқдик ва амалда қўлладик. Карталарга навбат билан «дам» бердик, — дейди Валлами.

1975 йил Валлами ака хотирасида ўчмас из қолдирди. У Совет Иттифоқи Коммунистлар партиясининг улуғ анжумани — КПСС XXV съездида қатнашди. Халқимизнинг бахт-саодатга фаровон турмуши, келажак планини ишлаб чиқишда иштирок этди. Улуғ анжуманда у қишлоқ хўжалигининг донгдор кишилари — ажойиб чорвадорлар, соҳибкор боғбонлар, таниқли пахтакорлар билан танишди, суҳбатлашди.

Валлами ака Москвадан қайтгач, уни кўргани келган совхоз раҳбарларига:

— Агар рози бўлсаларингиз, — деди у, — Шўркўл массивидаги бригада ерларини қўшиб олсам. Коллективимиз рози. Назаримда, у ерлар ёмонга ўхшамайди. Фақат тобига етказилиб меҳнат қилинмаяпти, шекилли.

Раҳбарлар рози бўлишди. Эртаси куниёқ Валлами бригада тракторчиси Ҳидирали Холматов, сувчилар Омонқул Қаюмов, Ҳамзали Абдуқодировлар ҳамроҳлигида «Шўркўл» ерларини айланиб кўришди.

— Хўш, қалай, азаматлар? Ерларга ишонса бўладими? — сўради бригадир улар билан ариқ устида дам олишга ўтиргач.

— Ернинг ишончизи бўлмайди, аммо одамда бўлиши мумкин. «Шўркўл» тупроғи унумли, унинг устига бу ерларга пахта экилганига беш-олти йил бўлди, холос. Бу ернинг асосий камчилиги захнинг кўплиги, доимо шўр сув ичишидир. Сен ҳамма карталарнинг атрофига зовур олдириб, тоза дарё сувидан келтириб бер-да, у ёғини бизга қўйиб қўй. Гектаридан камида 45 центнердан пахта етиштириш — бизга тан, — деди Омонқул ака. Бошқалар унинг гапини маъқуллашди.

Улар шундай қилишди. Кузда давлат қабул пунктига 160 тонна «Шўркўл» пахтаси топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 47 центнердан ошиб кетди. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, В. Тўхтабоев бригадаси коллективи ўзларининг бу ибратли ишларини давом эттириб келишяпти. 1976-77 йилларда улар совхознинг 2-бўлимидаги ҳосилдорлиги 25 центнердан ошмаётган ерларнинг ҳар гектаридан 47 центнердан кўп «оқ олтин» йиғиштириб олишди. Деҳқон учун оғир келган 1978—79 йилларда ҳам қолоқ бригадалардан ерларидан рекорд ҳосил олдирдилар.

Ўша йили Валлами ака кўкини Ватанимизнинг яна бир олий нишони, иккинчи Ленин ордени безади. Худди шу йили у Бутунittифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг совриндори бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан унга «Республикада хизмат кўрсатган механизатор» унвони берилди.

Шонли ўниичи беш йилликнинг якунловчи йили зафарлар йилидир. Халқимиз бу йилни «ленинчиларга, зарбдорларча ишлаймиз» шиори билан бошлаганлар. Ана шулар сафида бизнинг қаҳрамонимиз Валлами Тўхтабоев етакчилик қилаётган бригада деҳқонлари ҳам бор. Улар мазкур йилда 84 гектар пахта, 27 гектар беда, 18 гектарга маккажўхори экиб, ҳар гектар ердан 60 центнердан пахта, 220 центнердан беда пичани, 800 центнердан кўк поя етиштиришга бел боғлаганлар.

Яқинда бригада далаларида бўлдик. Улар шу участкага 160 тонна «Шўркўл» пахтаси топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 47 центнердан ошиб кетди. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, В. Тўхтабоев бригадаси коллективи ўзларининг бу ибратли ишларини давом эттириб келишяпти. 1976-77 йилларда улар совхознинг 2-бўлимидаги ҳосилдорлиги 25 центнердан ошмаётган ерларнинг ҳар гектаридан 47 центнердан кўп «оқ олтин» йиғиштириб олишди.

МОСКВА — 1980 ЙИЛ

# ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

## ҒАЛАБА НАШИДАЛАРИ

Кеча Москва Олимпиадаси мусобақаларида яна 17 та медаллар комплекти ғолиблари аниқланди. Спортнинг баскетбол, бокс, эркин кураш, сув полоси, волейбол, дзю-до, чавандозлик, елканли спорт, қўл тўпи, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей турлари бўйича мусобақалар бўлди.

Ўтган куни эса, яъни Олимпиаданинг ўнинчи кунида 10 та медаллар комплекти ғолиблари маълум бўлди.

ОЛИМПИАДА велошоссеси бўйлаб 189 километрлик пойга мухлисларда ниҳоятда катта қизиқиш уйғотди. 14 километрлик трассага минг-минглаб спорт мухлислари чиқишди. Улар қарийб тўрт ярим соат давомида ниҳоятда кескин курашнинг гувоҳи бўлдилар. Телевизор экрани қаршисидан жой олган миллионлаб спорт шинавандалари эса кескин кураш ва гўзал манзарани кўриб телевидение ходимларининг юксак маҳоратидан мамнун бўлдилар. Марказий телевидение ходимлари бу пойгани шундай улдабурролик билан олиб кўрсатдиларки, бу ҳаммани мафтун этди. Бутун трасса бўйлаб ўрнатилган телевизион камералар, пойгачилар олдидан ва ортидан елиб бораётган енгил машинадаги кўчма камера ва ниҳоят Олимпиаданинг беш халқаси тасвири туширилган осмондаги вертолётга ўрнатилган камера орқали кўрсатилган кадрлар ҳар бир мухлис учун янгилик бўлди.

Ғолиблик учун 32 мамлакатнинг 115 пойгачиси стартга чиқди. Биринчи километрлардаёқ совет пойгачиси Юрий Баринов польшалик Чеслав Ланг ва италиялик Пекитолар олдинга ўтиб олишди. Лекин бу ғолиблик унчалик узоққа чўзилмади. Кўп ўтмай улар баҳсига Сергей Сухорученков аралашди ва 11-даврадан сўнг олдинга ўтиб олиб, пешқадамликни бермади. Бутун масофани 4 соат 48 минут 29,9 секундда босиб ўтган Сергей Сухорученков Олимпиада чемпиони бўлди. Бундан йигирма йил муқаддам Виктор Капитонов Рим йўллари бўйлаб ўтказилган пойгада ҳурмат шоҳсупасининг энг юқорисига кўтарилишга муваффақ бўлган эди. Ана шундан бери Олимпиада пойгаларида совет спортчилари олтин медални оломай келишаётганди. Мана, узоқ кутилган ғалаба! Эндиликда мамлакат терма командасига устозлик қилаётган Олимпиада чемпиони Виктор Капитонов биринчи бўлиб шоғирдини зафар билан табриклади.

Кумуш медалга икки пойгачи Ч. Ланг билан Ю. Баринов даъвогарлик қилди. Булар ўртасида кураш шунчалик кескин тус олдики, ғолибни фақат фотофинишгина аниқлаб берди. Марра чизигини ярим ғилдирак олдин босиб ўтган Ч. Ланг кумуш совриндор, Ю. Баринов эса бронза медали эгаси бўлди.

Олимпиада мусобақалари ҳақидаги бу мақоламиз босилиб чиққанда сув полоси баҳсларига якун ясалган бўлади. Кеча олтин медаль учун СССР терма командаси Югославия спортчилари билан учрашди. Ўтган куни эса Голландия командаси билан бўлган навбатдаги баҳсда командамиз 7:3 ҳисобида ғолиб келди.

Мухлислар Монреалда Голландия ватерполочилари командамизга финалга чиқадиган йўлни тўсиб қўйганини яхши билишади.

Олимпиаданинг олтин медалига даъвогар бўлган ватерполочилар орасида республикамиз вакили тошкентлик Эркин Шагаев ҳам бор.

БАСКЕТБОЛ бўйича аёллар баҳсида СССР терма командаси рақибларига қараганда бирмунча устун эканлигини намойиш қиляпти. Совет спортчилари Венгрия командаси билан бўлган навбатдаги учрашувда ана шу устунликларини яна бир карра намойиш этдилар. Буни ҳисоб ҳам яққол кўрсатиб турипти. 120:62. Югославия ва Болгария баскетболчилари ҳам медалга даъвогарлар. Ана шу икки команда ўртасидаги ўйинда иккинчи финалчи аниқланиши лозим эди. Учрашув тугашига икки минут қолганда ҳисоб 76:76 эди. Охирги дақиқаларда болгар баскетболчилари кетма-кет ҳужум уюштириб муваффақиятга эришдилар ва 80:76 ҳисобида ғолиб келиб, финалда СССР командаси билан учрашадиган бўлишди.

Эркаклар командамиз эса иккита мағлубиятга учраб, мавқени бирмунча бериб қўйди. Кеча улар ярим финалда Куба баскетболчиларига қарши майдонга тушдилар.

«СПОРТ МАЛИКАСИ» деб ном олган енгил атлетикачиларнинг навбатдаги учрашувлари ҳам рекордларга бой бўлди. Эркаклар ўртасида диск улоқтиришда совет спортчиси Виктор Рашпушкин 66 метр 64 сантиметр натижа билан олтин медаль соҳиби бўлди. Аёллар ўртасида 100 метрга тўсиқлар оша югуришда ҳам Олимпиада чемпиони унвони совет спортчисига насиб этди. В. Комисова 12,56 секунд натижа билан ғолиб келди ва Олимпиада рекордини ўрнатди. Эркаклар ўртасида узунликка сакрашда ГДР вакили Л. Домбровски биринчи бўлди. В. Подлужний 8 метр 21 сантиметр натижа билан бронза медалини қўлга киритди.

Олимпиада ҳал қилувчи босқичга кирди. Хазинадаги медаллар кун сайин камаймоқда. Чемпионлар ва совриндорлар ғалаба нашидасини суришмоқда.

* * *


ТЎРТ СПОРТЧИ — ГДР вакили Фальч Хоффман, мексикалик Карлос Хирон ва совет атлетикачилари Владимир Алейник билан Давид Амбарцумян 10 метрлик вишкадан сакрашда ғалабага даъвогарлик қилишди. Тенг кучлилар баҳсида 1978 йилги жаҳон чемпионатининг кумуш совриндори, тажрибали Хоффман (835, 650 балл) биринчиликни эгаллади. У ўз маҳоратини намойиш этиб, финалда бирорта ҳам хатога йўл қўймади. Монреал Олимпиадасининг бронза совриндори минсклик Владимир Алейник бу гал кумуш медалга сазовор бўлди, ереванлик Давид Амбарцумян бронза мукофотни қўлга киритди.

**Гиламда XXII Олимпиада ўйинларининг чемпиони бельгиялик дзю-до қураши устаси Робер Ван де Валь (чапда) ва кумуш совриндор Темури Хабулури (СССР).**

**Суратда: 10 минг метрга ўтказилган югуриш пойгасининг финал баҳслари қатнашчилари. Олдинда Олимпиада ўйинларининг чемпиони Мирус Ифтер (Эфиопия).**

**А. АБАЗА ва Е. УСПЕНСКИЙ фотолари.**





# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

## ШОНЛИ САНА

МАЛЕ (Мальдива Республикаси), 29 июль. (ТАСС). Мальдива Республикаси ўз тарихида шонли сана-мустақилликка эришилган кунининг 15 йиллигини нишонлади. Ана шу ёш давлат 1965 йил июль ойида инглиз мустамлакачилари асоратидан қутилиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтди.

Мальдива Республикаси Ҳинд океанида Шри Ланканинг ғарб томонида жойлашган кичкина давлатдир. 115 мингга яқин аҳолиси бўлган бу республика аҳолисининг асосий касби балиқ овлашдир.

Мальдива Республикаси блокларга қўшилмаган давлат бўлиб, тинчлик ва барча мамлакатлар билан дўстлик сиёсатини ўтказиб келмоқда, империалистларнинг Ҳинд океанидаги кирдикорларига қарши, бу районни тинчлик зонасига айлантириш учун курашмоқда.

Мальдива билан СССР ўртасидаги муносабатлар ривожланмоқда. Шу йил апрель ойида Мальдива Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

### АФҒОН АКСИЛИНҚИЛОБЧИЛАРИНИ ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

ДЕҲЛИ, 29 июль. (ТАСС). Исломободдан олинган хабарларда айтилишича, маҳаллий аҳоли-билувчиларнинг афғон аксилинқилобчи шайқалари билан яқинда бўлиб ўтган қуролли тўқнашувини бостириш вақтида Покистон армиясининг бўлинмалари афғон аксилинқилобчи кучлари томонида туриб ҳаракат қилганлар. Нушка шаҳри районида (Белужистон вилояти) бўлган тўқнашув натижасида маҳаллий гражданлардан бир неча киши ўлдирилган. Покистон маъмурияти мунтазам армиянинг моторлаштирилган қисмларини ана шу районга юборган.

## „ЖИГУЛИ"ЛАР УЧУН

БУДАПЕШТ, 28 июль. (ТАСС). Пойтахтдаги автоматика ва телемеханика заводи «ММГ» коллективи совет буюртмачилари адресига «Жигули» автомобилларининг навбатдаги комплектловчи деталларини жўнатди. Шу йил Волга бўйидаги автомобиль заводига «ММГ» цехларида ясалган 400 мингга яқин прибор шчити келади. Венгриядаги бу корхона кўп йиллардан бери социалистик иқтисодий интеграциянинг актив қатнашчисидир. Бу ерда ясалувчи ўлчов техникаси ва уй-рўзғор техникаси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатларнинг кўпларига яхши маълум.

## ЙЎҚОЛСИН КАРТЕР!

ВАШИНГТОН, 29 июль. (ТАСС). Демократик партияда Ж. Картернинг АҚШ Президенти лавозимига демократлар номзоди қилиб кўрсатилишига қарши кампания кучайиб бораётганлигидан Оқ уй ташвишга тушиб қолганлиги бежиз эмас. Оқ уйнинг расмий вакили Ж. Пауэлл партиянинг «очиқ» съездини ўтказишини тобора актив ёқлаб чиқаётган демократларни кескин танқид қилди. Бундай съезд ўтказилган тақдирда делегатлар дастлабки сайлов давомида сайловчилар қўллаб-қувватлаган номзод учун овоз бериш мажбуриятидан ҳалос бўладилар. Ж. Пауэлл президент бундай съезднинг ўтказилишига рози бўлмайди ва делегатларни ўзи учун овоз бериш мажбуриятидан ҳалос қилмайди, деб таъкидлади.

Айни вақтда партия сафларида ички ва ташқи сиёсатидан норози бўлган америкаликларнинг қўллаб-қувватлашидан маҳрум бўлиб қолаётган Ж. Картер ўрнига «мақбулроқ» сиёсий арбоб номзодини кўрсатиш тобора кўпроқ талаб қилинмоқда. Капитолия тепалигида бундай садолар барала жаранглаб эшитилмоқда. «Конгрессда «Йўқолсин Картер!» деган шиор остида олиб борилаётган ҳаракат кенг авж олмоқда»,— деб таъкидлайди Эй-би-си телекомпаниясининг мухбири.

### ЭРКАКЛАР ИМТИЁЗЛАРИНИ ОЛГАНЛАР

ЛОНДОН, 28 июль. (ТАСС). Англия аҳолисининг аёллари номатлуб «рекорд» эгаси бўлдилар. Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлиги вакилининг маълум қилишича, кейинги ўн йил ичида Британия оролларида ичкиликбозликдан ўлган аёллар 130 процент кўпайган. Шу давр мобайнида касалхоналарга ётқизилиб, ичкиликбозликдан мажбуран даъволашга дучор этилган аёллар 137 процент кўпайган, ҳолбуки ана шу вақт ичида эркаклар орасида бу рақам 77 процентни ташкил қилган.

(«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ НАВБАТДАГИ СОНИ 1 АВГУСТДА ЧИҚАДИ).

Редактор
Н. НАСИМОВ.

# ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ ЎЗ НОМИГА МУНОСИБМИ?

Ёз кириши билан ҳар ким ҳам соя-салқин боғлар, ям-яшил ҳиёбонлар ва истироҳат манзилларини қумсаб қолади. Айниқса, жазирамада қун бўйи меҳнат қилган одам кечки пайт бир нафас ором олгиси, боғларда салқинлаб сайр қилгиси, оиласи, болалари билан маданий хордиқ чиқаргиси келади. Ҳадеб шаҳардан ташқарига, соя-салқин жойларга боришнинг имкони йўқ. Кечки пайтлар маданият ва истироҳат боғларидаги хизматдан бахраманд бўлгиси келади.

Хўш, Тошкент шаҳридаги маданият ва истироҳат боғлари механизациялаштирилган ана шундай эҳтиёжларини қандай қондиряпти? Паркларимизда маданий хизматнинг аҳволи қандай?

Очиғини айтганда, шаҳардаги кўпчилик парклар хизматидан аҳоли мамнун эмас. Тўғри, нисбатан пойтахтдаги М. Горький номли, Э. Тельман номли маданият ва истироҳат боғлари дуруст хизмат кўрсатишяпти. М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида болалар учун спорт мусобақалари, ёшларнинг меҳнат ва уруш ветеранлари билан учрашувлари ўтказиб турилади, аттракционлар ҳам ишлаб турипти. Тельман номли парк коллективи эса оммавий тадбирлар ўтказишда каттагина тажриба орттирди, дам олувчиларга хизмат кўрсатишнинг турли воситаларидан фойдаланилади. Шаҳарликлар ана шу паркни кўпроқ тилга оладилар, унинг хизматини қониқарли деб биладилар.

Лекин афсуски, пойтахтдаги бошқа маданият ва истироҳат боғлари ҳақида ана шундай илиқ гапларни айта олмаймиз. Бир вақтлар довруғи бутун республикага тарқалган машҳур «Жангоҳ» — А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғи эсингиздадир. Бу боғ тошкентликларнинг ва пойтахт меҳмонларининг энг севимли дам олиш масканларидан бири эди. Неча-неча авлодларни ўз бағрида яйратиб ўстирган бу боғ! Уларнинг энг яхши хотиралари, хушвақт ўтган дамлари, сер-файз оқшомларнинг ёркин тасаввурлари «Жангоҳ» ҳаёти билан боғлиқ бўлганлигини ҳам эл-юрт яхши билади. Бу ердан машҳур полвонлару, дорбозлар, аския усталари-ю, машҳур санъаткорларнинг қадами аримас ди, хилма-хил кечалар, халқ сайилларн ва оммавий тадбирларни ҳали эслаб юрилади.

Энди унинг ҳозирги аҳволига бир назар ташланг. «Жангоҳ» қаровсиз, ҳувиллаб қолган. Ночор. Йўлкаларда чиқинди, қоғоз парчалари, шиша синиқлари сочилиб ётибди. Қайсидир ноинсоф каттагина гул тувагини ағдариб кетибди. Буни бирон безори қилгандир. Лекин гул тувакларини олиб, ўз жойига ўрнатиб қўйиш парк ходимларидан бирортасининг ҳаёлига келмаганлигига ажабланади киши. Ёзги кинотеатрга ҳам анчадан бери ҳеч кимнинг қўли тегмаган. Девор сувоқлари тушиб кетган, ҳаммаёқни ёввойи ўтлар босиб ётибди.

Айни саратон пайтда ҳордиқ учун қулай бўлган бу йирик маданият ва истироҳат боғи дам олувчиларсиз шу қадар ҳувиллаб қолганига сабаб нима? Нечун қадрдон «Жангоҳ» шу аҳволга тушиб қолди?

— Бу тўғрида бир неча марта тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик,— изоҳ беради парк директори Т. Икромов.— Лекин ҳеч қандай фойдаси бўлмади. Эътибор беришмаяпти, ўзимизнинг кўлимиз калталик қиляпти. Масалан, бу йил ремонт ишларига 50 минг сўмлик маблағ ажратилган эди. Лекин шундан 23 минг сўмигина ўзлаштирилди, холос.

Дарҳақиқат, 5-ремонт-қурилиш бошқармасининг 2-бригадаси ремонт ишларини ўлдажўлда қолдирди. Уларга Улуғбек номли планетарийни ҳам ремонт қилиб бериш топширилган эди. Аммо, ҳануз бу бинонинг деворлари дарз кетганча, шиплари ўпирилганча ётипти.

Боғда бир неча чойхона ҳам бор. Лекин улар маданий-оқартув, оммавий тадбирларнинг марказига айланмаган. Эслаб кўрайлик: илгаригилари бу чойхоналарда санъаткорларнинг хонишлари эшитиларди, аскиячиларнинг учрашувлари ўтказиларди, қизиқарли кечалар ташкил қилинарди. Энди-чи, фақат биттаяримта ҳаражат тўғраб ўтирган ошхўру, эснаб ёнбошлаб ётган чойхоначинигина учратасиз. Қизил бурчак, ёки бидрон бир оммавий суҳбат ҳақида гапирмай қўяқоламиз. Чунки, «ранг кўр-у, ҳол сўр».

Тўғри, боғда табассум кечалари-ю, миллий байрамлар, Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашувлар ўтган. Бироқ, қачонлардир халқимиз севиб қатнашадиган бундай кечалар тобора сийраклашиб, оммавийлигини йўқотяпти. Энг ачинарлиси шуки, кўпчилик боғдан қадамини узиб қўйган. Бу ўринда шаҳар маданият бошқармаси ва парк раҳбарларига «бизга ҳеч қандай ёрдам беришмаяпти, шароит йўқ» деб қўл қовуштириб ўтираверши билан иш битмаслигини эслатиб ўтмоқчимиз. Чинакам қизиқиш, ғайрат ва жон куйдириш, ташкилотчилик кўрсатиш керак. Парк омма билан обод, серфайз. Хўш, бу оммани жалб қилиш учун ким жон куйдиряпти? Турли қизиқарли кечалар, учрашувлар ва миллий сайилларимизни тиклаш мумкин эмасми? Район территориясида жуда яхши бадиий ҳаваскорлик коллективлари бор. Нега уларнинг кўрик-конкурслари, навбатманавбат концертларини уюштириш мумкин эмас? Ёки пойтахтдаги театр ва концерт ҳамда бошқа ижодий ташкилотлар давр талабини ҳисобга олиб оталиққа олишса бўлмайдими? Улар томонидан халққа манзур бўладиган оммавий тадбирларни мунтазам ўтказиб туриш мумкин-ку, ахир!

Боғдаги умумий овқатланиш тармоқлари хизматини кескин яхшилаш, замонавий чойхоналар қуриш, музлек ичимликлар, мева-сабзавотлар билан савдо қилишни йўлга қўйиш, тартиб, саранжом-саришталикни таъминлаш катта қурилиш ёки маблағ билан боғлиқ эмас. Бу — ҳафсала, қунт, кишиларнинг маданий дам олиши ҳақида қайғуриш, топширилган иш учун масъулиятни ҳис этиш билан боғлиқ. Жамоатчиликка таяниш, унинг ёрдамидан фойдаланиш зарур.

Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида ҳам аҳвол у қадар яхши эмас. Кўлда меҳнаткашларнинг дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар йўқ. Сув сатҳи ифлос. Кўлнинг бошланиш қисми анча саёзлашиб қолган. Назорат ўрнатилмаганлиги учун ҳам дам олувчилар хоҳлаганларича иш тутадилар, тартибга чақирадиган одам йўқ.

Қутқариш станциясида медицина ҳамшираси В. Денисова қизиқарли факт ва рақамларни келтирди. Дам олиш мавсуми бошлангандан бери кўлда 155 кишига медицина ёрдами кўрсатилибди. Характерли ери шундаки, уларнинг деярли ҳаммаси сувга тушиб жароҳатланган.

Бундай ҳоллар кўлнинг ўзидагина эмас, кўлнинг ён-атрофида ҳам рўй бермоқда. Парк территориясида сочилиб ётган шиша синиқлари, консерва банкалари, қоғоз ва ахлат уюмлари билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Пляжга эса қум сепилмаган. Ёввойи ўтлар босиб кетган, соябонлар жуда кам. Кийим алмаштириладиган махсус хоналар яроқсиз аҳволда.

Кўпгина дам олувчилар билан суҳбатлашдик, улар кўнгил-очар тадбирларнинг ўтказилмаслиги, аттракционларнинг яхши ишламаслиги, пляжда шароитнинг йўқлиги ва бошқа нуқсонларни санаб беришди, паркнинг файзи кетаётганлигидан афсусланишди.

Дам олувчилар қанчалик ҳақли эканликларига, қайиқларни прокатга бериш станциясида бир бор ишончҳосил қилдик. Аввалига ишларимиз яхши, дам олувчиларга намунали хизмат кўрсатяпмиз, деб мақтанган станция бошлиғи Адҳам Исмоилов аҳвол билан чуқурроқ танишганимизда бироз қизариб қолди. Мавжуд 30 та эшкакли, 6 та моторли қайиқ талабга жавоб бермайди.

Шаҳардаги бошқа қатор маданият ва истироҳат боғларида ҳам аҳвол шундай. Фикримизнинг далили учун яна бир мисол келтирамиз. Киров номли маданият ва истироҳат боғида мактаб ўқувчилари ва пионерлар учун тўгараклар, лагерлар ташкил қилинган. Лекин ана шу болалар муассасалари билан ёнма-ён пиво берлари, спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи дўконлар ҳам ишлаб турипти. Кичкинтойларнинг кўз ўнгида кайф-сафо, мастбозлик каби ножўя ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйилади.

Хуллас, шаҳардаги маданият ва истироҳат боғлари ҳозиргача ўз номига муносиб эмас. Парк коллективларининг фаолиятини кескин яхшилаш, уларнинг иши юзасидан назоратни кучайтириш лозим. Ҳўжалик ҳисобида бўлгани учун паркларни ўз ҳолига ташлаб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қўшимча резервларни излаш зарур. Меҳнаткашларни эстетик жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларини таъминлашда истироҳат боғларимиз ролини ошириш пайти аллақачон келган. Парклар маданий-оммавий ишларнинг чинакам марказига, адабиёт, санъат ва музикани пропаганда қилиш масканига айлансин. Бунинг учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар бор.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Собир Раҳимов, Чилонзор, Фрунзе район партия комитетлари, ана шу районларнинг ижроия комитетлари ҳамда шаҳар маданият бошқармаси фикримизга қўшилишар, жамоатчиликнинг ўрнини талабларини ҳисобга олишар деган умиддамиз.

**З. МУҲАММАДЖОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

**А. ҲАЙДАРОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.**

## ҲУРМАТ ШОҲСУПАСИДА

### ОЛИМПИАДА, ЎНИНЧИ КУН

### ВЕЛОСПОРТ

● 189 километрга группа пойгаси. Сергей СУХОРУЧЕНКОВ. (СССР).

### СУВГА САКРАШ

● ЭРКАКЛАР. Фальк ХОФФМАН (ГДР).

### ДЗЮ-ДО

● 86 килограммгача вазнлилар ўртасида. Йорг РЕТЛИСБЕРГЕР (ШВЕЙЦАРИЯ).

### ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

● АЁЛЛАР. 100 метрга тўсиқлар оша югуриш. Вера КОМИСОВА (СССР).

● 400 метрга югуриш. Марита КОҲ (ГДР).

● ЭРКАКЛАР. Диск улоқтириш. Виктор РАШПУШКИН. (СССР).

● Узунликка сакраш. Лутц ДОМБРОВСКИ (ГДР).

● 200 метрга югуриш. Пьетро МЕННЕА (Италия).

### ОҒИР АТЛЕТИКА

● 100 килограммгача вазнлилар ўртасида. Ота ЗАРЕМБА (ЧЕХОСЛОВАКИЯ).

### ҚИЛИЧБОЗЛИК

● ЭРКАКЛАР. Шпагачиларнинг шахсий биринчилиги. Иоҳан ХАРМЕНБЕРГ (ШВЕЦИЯ).

## „ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" БОНГ УРАДИ


# РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ГОСКОМТРУД УЗССР

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

слесарь-сантехниклар, йиғувчи-слесарлар, ускуналар ремонти бўйича слесарлар, токарлар, штамповкачилар, бўёқчилар, электр пайвандчилар, газда кесувчилар, электриклар, мастерлар. Ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади.

ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ «ВИСОТСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 11-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

электр пайвандчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчи-бўёқчилар, бетончилар, ёрдамчи ишчилар. Ёлғизларга ётоқхона берилади.

ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ 1-ТОШКЕНТ УИСОЗЛИК КОМБИНАТИГА:

бетончилар, бўёқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар, ойнасозлар, темир-бетон конструкцияларни монтажчилари, электр-газ пайвандчилар, темир-бетон буюмларни ишлаб чиқариш бўйича инженерлар ва техниклар, цех механиклари. Ёлғизларга ётоқхона берилади.

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА:

шофёр (дала ишларига чиқиш билан боғлиқ ҳолда).

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ—2-квартал, 3-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 39-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ—22-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

**Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг**

**1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ**

(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)

**Троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган**

**5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Курсантларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади. Сўнгра ҳайдовчилар трамвай-троллейбуслардан бепул фойдаланадилар. Бошқа шаҳарлик курсантлар ётоқхона билан таъминланадилар.**

**Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади. Депо ишчилари формали кийим-бош билан (50 процент иш ҳақи тўланади) таъминланадилар.**


## Телевидение

### МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.35 —Олимпиада кундалиги. 10.10 — Ярлёнок. 10.55 — Ҳужжатли фильм. 11.25 — Бобо ва фил. Бадиий фильм. 12.35 — Олимпиада кундалиги. 12.55—Олимпиада ўйинлари. 18.00 — Дунё воқеалари. 18.15 — Фильм-концерт. 18.55 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — Меҳнат шонушҳрати байрақдорлари. 19.25 — Берёзка хореографик ансамблининг концерти. 20.10 — Хельсинки: Беш йил йўлда. 20.55 — Олимпиада ўйинлари. 24.00 — Янгиликлар.

### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.00 — Кема уч соат туради. Бадиий фильм. 13.15 — Ўйлаб топ! 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Ўсмир ва қонун. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Халқ контроли экрани. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Чорвадор. 21.45 — Время. 22.15 — Биринчи қалдирғоч. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Болалар учун фильмлар. 20.55 — Реклама. 21.10 — Рассом устахонасида. 21.40 — Телеспектакль.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. | Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334803, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325545, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 06417. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1658. 12